Зарарли хашаротларнинг бактериал касалликларга йуликишини дастлаб 1879 йили И.И.Мечников аниқдаган ва Украинанинг жанубида учрайдиган галла кунгизининг касал личинкаларида топилган бациллюс солитариус бак- терияеини таърифлаб берган. Тахминан бир вақтнинг узида Л. Пастер ипак куртида фляшерия касаллигини кузгатувчи Ф Чешайр ва У.Чейн асаларида европа чириш касаллигини кузгатувчи бактериялар устида тадқиқотлар ут- казганлар.

Хозирги вақтда хашаротлар билан маълум даражада боқланган бактерияларнинг 250 дан купрок турлари маълум. Уларнинг купчилиги хашаротларда ва кемирувчиларда касаллик кузгатади. Хашаротларнинг танасида хусусан, ичкаларида куплаб бактериялар яшайди. Буларнинг купчилиги зарарсиз сапрофит хисобланади, айрим холларда эса симбионтлар ҳам булиб, улар хашаротлар хаётида муҳим урин тутади. Хашаротлар ичагидаги сапрофит бактерияларидан бир канчаси организм учун захарли булиши ва улар конга утиши биланок тез купайиши ва хашаротни захарлаб халок қилиши мумкин. Одатдаги шароитларда касалликнинг яширин уйку (латент) формада булиб, хазм ширасининг бактерицид хусусияти ҳамда организмнинг бошка муҳофаза хусусиятлари уларни конга ута олишини назорат қилади. Организмнинг физиологик жихатдан сусайишига олиб келадиган ноқулай шароит руй берганда (масалан, озик етишмаганда, харорат ноқулай булганда) унинг химоя хусусиятлари заифлашади ва оқибатда хашарот ка- еалликка чалинади.

Хашаротларда пагогенлик хусусиятига эга булган бирламчи бактериялар ҳам маълум булиб, улар фаол равишда ичак девори орқали гемолимфага утади ёки тана копламининг шикастланган жойи орқали ҳам хужайин танасига >пгади ва тезда купая бошлайди. Бунда улар ажратган токсин ёки фер- ментлар бу жараёни тезлаштиради.

Биологик курашда табиийки, хужайин организмга озика орқали кира- диган ва патологик узгаришлар туфайли зараркунандаларни халок қиладиган бирламчи патоген бактериялар алоҳида эътиборга лойиқдир. Табиатда бакте- риозлар туфайли бир мунча хашаротлар кирилиб туради. Аммо энтомопато- ген бактериялар хашаротларнинг табиий холда камдан-кам холатларда оммавий тусда кирилишига сабаб булиши мумкин.

Бактерияларнинг морфологик белгилари ва хусусиятлари жихатидан ҳам тафовут қилиши бу организм гуруҳдарининг табиий классификациясини яратишни қийинлаштиради. Шунинг учун ҳам хозирги вақтда аксари сунъий ёки анъанавий классификация утказилади, бунда таккосланадиган бактерияларнинг гуруҳларида буладиган купчилик белгилар асос қилиб олинади. Шу билан бирга морфологик белгилардан микроорганизмнинг гавда шакли, капсулалари ёки капсуласиз хужайралар мавжудлиги, хивчинлар ва уларнинг жойланиши, эндоспор хосил булишига қаралади. Бундан ташқари, классификация утказишда хужайраларнинг Грам буйича бўйлиши, уларнинг пиг-

ментланувчанлиги, нафас олиш шароитлари ва бошчалар хисобга олинади.

Энтомопатоген бактерияларни, уларнинг патогенлиги белгилайдиган хусусиятлари ва шароитларига кўраб ҳам классификациялаш таклиф этилган. Энтомопатоген бактерияларнинг туртга гуруҳи мавжуд: облигат патогенлар; кристалл спора ҳосил қилувчилар; факультатив ва потенциал патогенлар.

### Бактериялар классификацияси!»!

Бактериялар хужайрасида хақиқий ядро, ядро мембранаси, ядроча бўлмаганлиги туфайли улар содда ҳайвонлар, сувутлари, замбуругаар ва юк- сак усимликлар гуруҳига мансуб хақиқий ядролардан (Eucaryotae) фарқли уларок, бу организмлар кук-яшил сувутлари гуруҳига оид прокариот ёки ядроча (Procaryotae) бўлган гуруҳга киритилган.

Кўпинча прокариотлар оламига мустақил статус берилиб, улар икки бўлимга: цианобактериялар (кук-яшил сувутлар) ва бактерияларга ажратилди.

Бактериялар бўлими бир хил организмлар бўлмаганлиги туфайли уларни куйидаги кенжа гуруҳларга: эубактериялар, ёки хақиқий бактериялар (Eubacteria); эубактерия ва кук-яшил сувутлар га ухшаш фитотроф бактериялар ҳамда эубактериялар хужайра структура тузилишидан фарқланадиган миксобактериялар, спирохетлар, актиномицетлар, микоплазмалар ва риккет- сияларга бўлинади.

Усимликлар биологик химиясида эубактериялар муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари риккетсиялар ҳам биологик химияда маълум бир кизиқиш уйғотиш мумкин.

Эубактериялар (Eubacteria) табиатда жуда кенг тарқалган микроорга- низмлар бўлиб, улар 3 та оилага: Pseudomonadaceae, Enterobacteriaceae ва Bacillaceae ларга ажратилади.

*Псевдомонадлар (Pseudomonadaceae) оиласи.* Псевдомонадлар табиатда кенг тарқалган бўлиб, бу оила таркибига таёкчасимон, граммсалбий, спора ҳосил қилмайдиган, хивчинлари кутбга жойлашган бактериялар киритилган. Бу бактерияларнинг кўпчилиги органик субстратларда, айрим турлари эса минерал муҳитда ривожланади.

Псевдомонадлар авлодига ҳашаротларда потенциал касаллик қузғатувчи *Pseudomonas aeruginosa*, *P. chlororaphis*, *P. fluorescens* каби айрим турлар ки- ради.

*Ичак бактериялари (Enterobacteriaceae) оиласи.* Бу оилага таёкчасимон, граммсалбий, факультатив, анаэроб ва аэроб шароитда яшовчи перитрихиал хивчинли яъни хивчинлари бутун хужайра сиртига жойлашган бактериялар бўлиб, бу бактериялар спора ҳосил қилмайди, оддий муҳитда яхши усади.

*Бу виллй Тўрибига 12 турдаги бактериялар кириб, булар орасида обли- гат ва факультатив патоген, ҳамда сапрофитлар учрайди.*

Факультатив касаллик қузғатувчи патогенларга *Serratia* авлоди бактериялари ки- ради, ва бу бактериялар бошчалардан консимон кизил пигмент- продиогизин ҳосил қилиши билан фарқ қилади. Шунинг учун ҳам, у ажойиб кон таёкчаси деб ном олган. Бу авлоднинг *S. marcescens* Виз. тури ҳашаротлар факультатив патогенлигига ҳосдир.

Облигат патоген бактериялар каторига салмонелла (*Salmonella*) лар авлодига мансуб, жумладан, сичконсимон кемирувчиларда корин тифини қузғатувчи *S. enteritidis* турини қурсатиш мумкин. Булар асосида сичконсимон кемирувчиларга (сичқон, дала сичқони ва бошқалар) қарши


кенг кулланиладиган бактериоцид бактериал препарати ишлаб чшарилади.

*Спора хосил цилувчи ёки бациллалар (Bacillaceae) оиласи.* Бу оилага ис- сикликка бардош (термобардош) эндоспоралардан ташкил топган бактериялар киради. Бу оила вакиллари барчаеи -таёкчасимон граммижобийдир.

Биологик курашда бациллюс (*Bacillus*) ва клостридиум (*Clostridium*) ав- лодлари мухим ахами ят касб этади. Бациллюс авлодига аэроб шароитда яшайдиган граммижобий таёкчасимон бактериялар киради. Споралар купинча хужайра марказида хосил булади. Бунда хужайра узининг аслий шакли ва хажмини саклаб колади. Бацилла хужайрасида захира озика сифа- тида ёг томчиси булади. Хашаротлардаги кристалл хосил килмайдиган облигат патогенлар гурухига *B. lentimorbus* Dut. ва *B. popilliae* Dut. киритилади. Бу турлар япон кунгизи личинкаларида ва бошка айрим пластинка муйлабдиларда сут касаллигини чакиради. *B. fribourgensis* эса май кунгизида сут касаллигини кузгатади (4 раем). Бактерия спораларига мойил хужайин уларни ютгач, ошкозонда споралар усади. Усаётган споралардан хосил булган вегетив хужайралар тана бушлитига утади, тезда купайиб, тукималарни емиради ва куп угмай тана бушлигининг купгина кисмини тулдиради.

Кристалл ташувчи бактериялардан бу оилага бациллюс тюрингиензис (*B. thuringiensis* Berl.) киради. Бу бактерияларнинг хилма-хил турлари хашаротларга карши курашда микробиологик препаратлар тайёрлашда кенг кулланилади.

Бу гурух бактерияларининг характерли хусусиятларидан бири, улар танасида кристалларга хос оксил аралашмаси ёки параснорал таначалар хосил булиб, асосан тангачаканотлилар куртиларга токсик хисобланади.



4-расм. Оёк учи олиб ташланган япон кунгизи личинкаси:

А - сут касаллиги билан зарарланган ва В-нормал. Касал личинка ва унинг шикастланган жойидан окаётган тишк булмаган гемолимфа.

Личинканинг узунлиги 65 мм (Х.Суитмен, 1964)

*Bacillus* авлодига айрим факультатив *B. cereus* Fr. et Fr., патоген гурлари хам киритилиб, улар хашаротлар учун токсик хисобланган фосфолипаза С моддасини, хашаротлар ичагини зарарлаш учун етарли микдорда ишлаб

чикаради ва натижада бактерияларни тана бушлигига утишига имкон ярата- ди.

Клостридиум (*Clostridium*) авлодига облигат - анаэроб, спора хосил килувчи бактериялар киритилади. Бу бактерияларнинг бациллалардан фаркди уларок, улар спора хосил килишида хужайралари йугонлашади. Споралар хужайра маркази ёки хужайра танаси охирида жойлашади. Шунга кура уларни клостридиал тип, ёки ногорали таёкча - плектридиал типга ажрати- лади. Авлод таркибига хашаротларда касаллик кузгатувчи икки тур облигат - *C. brevifaciens* Buch ва *C. malacosomae* Buck киради. Бациллюс тюрингиензис- дан фаркди уларок бу бактериялар факат хашарот ичагида купайиб, аммо тана бушлигига утмайди. Бунда хужайин танаси кискаради, курийди ва мумиёлашади.

**Риккетсиялар** (*Rickettsia*) хужайра структураси хосил килиб, таркибида иккала нуклеин кислоталар (ДНК ва РНК) булиб, улар одатдагидек хужайра кобиги билан уралади. Одатда бу майда (купчилик холларда диаметри 0,2 мкм) шарсимон ёки таёкчасимон, якка-якка ёки занжирга уланган микроор- ганизмлардир. Хашаротлар учун асосий ёки оралик хужайин хисобланган турлар *Rickettsiaceae* оиласига мансуб булган мухим энтомопатоген риккетсиялар *Rickettsiella philip* авлодига карашлидир. Бу авлодга тегишли турлар Хашаротларнинг ёг таначаларида ривожланиб, хужайинни заифлаштиради ёки нобуд килади. Бу бактериялар япон май кунгизи, япон ок-сарик бу- зокбоши кунгизи личинкаларидан, чирилдоқлар, зарарли узунёкдилар, хас- валардан ажратилган булиб, киска облигат паразитларга мансубдир.

### **Тюрингиензис бактериялар гурухининг таснифи ва таъсир механизми**

Патоген бактериялар орасида спорали бактерия-бациллалар, спорасиз - таёкчасимон, коккосимонлар тез-тез учраб туради. Лекин кристалл хосил Килувчи бактериялар (кристалли споралилар экзо ёки эндотоксигенлилар) усимликлар биологик химоясида энг куп кизикиш уйготади.

Зарарли хашаротларга карши саноатда микробиологик бактериал пре- паратлар деярли бациллюс тюрингиензис асосида ишлаб чиқарилади. Хозирги даврда кристалли бактериялар гурухига оид бу турнинг 27 дан ор- тик турли хил серотиплари маълум.

Бактерияларнинг тури ёки кенжа тури шунга ухшаш тур ёки кенжа тур- лардан антиген структураси билан бир-биридан ажралиб турилишига серо- тип дейилади. Серологик реакциялар ёрдамида серотип аникланади, бунда унга хос антиген хайвонлар иммун кони зардобига куш и лад и. Бактериялар тури ёки кенжа тури гурух организмлари хилма-хиллик ёки вариетети (*varie- tas*, кискартирилган *var.*) деб улар якин биокимёвий хусусиятлари эга булган куринишларга айтилади.

Булардан микробиологик препаратлар тайёрлашда энг мухим амалий ахамиятга эга булган тюрингиензис турли хилма-хиллари: I серотипга мансуб алести, III серотипга мансуб курстаки, IV серотипга мансуб сотто ва дендролимус хамда V серотипга мансуб галлериялардир.

Кристалл хосил килувчи бактериялар эндоспоралардан тапщари, порас- порал оксил дельта—эндотоксин кристалларини хам хосил килади. Кристал- лардан ташқари улар хашаротларга токсик хисобланган камида яна уч хил бошка моддалар ажрата олади. Альфа-бета ва гамма экзотоксинлари шулар жумласидандир.

**Эндоспоралар.** Споралар таёкча - бактерия танаси интенсив усгандан

кейин хосил булади. Улар тананинг у ёки бу охирига я кин жойда шаклла-ниб, ташкдрига чикади. Элма (культура) сунъий овкат мухитида экилгандан сунг бактериялар турли-туманлигига к,араб, улар спораларининг хосил булиши турли вақтлар билан фаркланади. Тюрингиензис ва алеет хилма- хилларида улар гушт пептонли агарда 24 соатдан кейин уса бошласа, сотто- да -36 соатдан сунг бошкаларида эса 48 соатдан сунг хосил булади. Лаборатория шароитида одатдаги хароратда киритилган холдаги споралар 10 йил ва ундан орт и к, муддатда узгаришеиз сакданади. Намлик спораларнинг усишига олиб келиб ва кейинчалик у сакланса спораларни нобуд булишига сабаб булади. Харорат 100° С да ва юкори намликда споралар 5-10 минут орасида 110° С эса 3-5 минутдан сунг нобуд булади. Споралар кристалларга нисбатан кимёвий моддалар таъсирига чидамли булади. Токсин кристаллар 0,02-0,05 натрий гидрооксид нормал эритмасида емирилса споралар эса хлорид кислота ва натрий гидрооксидида 0,1 нормал эритмасида 24 соатдан сунг нобуд булади. 5% ли формалин эритмасида споралар ва токсинлар 5 минут мобай- нида инактивацияга (нобуд булишга) учрайди. Кристалл хосил килиш хусу- сиятини йукотган бактериялар штамлари, бактерияларга нисбатан сезув- чанлик хусусиятига эга булган хашаротлар ичагига киритилганда, улар хашаротларда касаллик кузгатмасдан, хаётчан споралар ичакдан утганда хам усмайди.

**Дельта эндотоксин, ёки нараспорали кристалл эндотоксин,** споралар билан бир вақтда спорангиянинг карама-карши томонида хосил булади. Даст- лаб шаклсиз заррача булган дельта эндотоксин аста—секин тутри саккиз кирралига айланади. Спора ва кристаллар етилгандан сунг спорангиялар эрийди ва иккала хосилалар бушатилади. Кристаллар кимёвий таркиби буйича оксил бирикмаларидан иборат булиб унда 17,5% азот, фосфор эса деярли ёки умуман булмайд. Кристаллар таркибида 18 турдаги аминокис- лоталар борлиги аникланган. Кристаллар харорат таъсирига бир мунча чи- дамсизрок 80-100°С да 20-30 минут орасида кристалларнинг структураси емирилади ва унинг токсик хусусияти йуколади, шунинг учун хам уни купинча термостобил эндотоксин дейилади. Кристаллар сувда ва айрим органик эритмаларда эримасада, аммо юкори концентрациядаги кислота, спирт айникса ишкорлар билан ишланганда токсик хусусиятини йукотади. Кристаллардаги оксил юкори ишкорли мухитда оксил эритмага айланади. Бундай холларда тюрингиензис турли хилма-хилларида рН 11,8 булса, алести — 11-12,2; сотто учун эса 12,5 га тенгдир.

Чидамсиз хашаротлар ичагидаги рН курсатгичи юкори булсада, аммо кристалларни суюлтириш даражасидан паст булади. Жумладан, эндотоксин кристаллар таъсирига мойил булган тут, ток ва халкасимон ипак куртлари олдинги, урта ичак булимларидаги рН 8,9 ни ташкил килади. Кристаллар гидролизланиши протеолитик ферментлар таъсирида руй бериши тахмин килинади. Бунда айрим тадкикотчиларнинг хисоблашича, эндотоксиннинг узи хашаротлар учун токсик булмасдан, у узидан протоксин ажратади, бу эса ошкозон шираси маълум бир протеаз таъсирида токсик модцага айланади. Бундай протеаз хамма хашаротларда хам булмайд. Бу дунёкарашга ижобий нуктаи назардан караб, мисол тарикасида юкорида келтирилган ипакчи куртларга нисбатан кузги ва ундов тунламлари рН микдори юкорироклигини (9,5 ва 9,6) ва кристаллар ичак мухитида эришини, карам тунламида эса (рН 10,2) кристаллар эримаслигини, аммо иккала холда хам куртлар захарланмаслигини кайд килиш мумкин.

Одатдаги симптомларга кура эндотоксин кристалларига мойил хашаротларда — ичак фал аж и, озикланишининг тухташи, токсинлар ютил-

гандан кейин биринчи соатдаёк, кузатилади ва уларнинг умумий фалажла- ниши туфайли улимга олиб келиши жумладан, карам ок каналгида 48 соат ичида руй беради.

А.Я.Лескова (1975) V серотипга оид термостабил экзотоксин (бета- экзотоксин) хосил килмайдиган галерия бактериялар турли хилма- хиллигини 8 туркумга мансуб 88 турдаги хашаротларда синаб куриб, уларни мойиллигига караб фаркланадиган туртта гурухга ажратди. Биринчи гурухга жуда мойил тангачаканотлилар ёки капалаклар киритилиб, лаборатория тажрибаларида улар тулик кирилади. Бунга мисол кдлиб айрим хакикий куялар, чипор куялар, уйикканотли куялар, баргуровчилар, нимфалидлар ва

ок; капалакларни курсатиш мумкин. Иккинчи гурухга тангачаканотлилар туркуми вакиллари киритилиб, бунда соғлом куртлар популяциясининг нобуд булиши 40-70% дан ошмаганлигини курсатди. Бунга мисол тарикдсида парвоналар, пилла тукувчилар, одимчи, хохлатка ва айиксимон капалаклар оилалари вакиллари эслатиш кифоя. Амалда мойил булмаган (гамма тун- ламидан ташкари), тунламлар куртларини ва арракашлар сохта куртларини учинчи гурухга ажратилди ва нихоят туртинчи гурухга яъни чидамли хисобланган - тугрикднотлилар, тенщанотлилар, каттикканотлилар хамда иккиканотли хашаротлар киритилди. Шу гурухга вояга етган фазалик даври- да бактерияларга чидамли хисобланган паразит пардасимонканотлилар хам мансубдир. Аммо, улар личинкаларининг нобуд булиши хужайинга карши ишлаш муддатига ва паразитнинг ривожланиш фазасига боғлиқдир.

**Бета - экзотоксин ёки термостабил экзотоксин**, хам бактерия хужайра- сининг мухим метоболитик компонента хисобланади. Кимёвий хусусияти жихатидан у нуклеидлар-аденин ёки урацилга яқиндир. Аммо айрим таджикотчилар уни аденозинтрифосфор кислотаси структураси таркибига кушадилар. Унинг кристаллик хусусияти йук Бактерия спора ва кристалла- ри ажратиб олингач экма суюқдикда токсинлар йдаилади. Юкори хароратга нисбатан яхшигина баркарорлиги туфайли бу токсин шундай ном олган. Ав- токлавда 120° С да 15 минут давомида тутилганда, у уз фаоллигини сақдаб қолади.

Экзотоксиндаги термостабил модца сувда эрийди, ишкор таъсирига чидамли, кислоталарда гидролизланади, харорат 110° С киздирилганда 4 соат давомида чидайди. Кимёвий ёки ферментатив йул билан дефосфорланса, Хашаротларга нисбатан нотоксик булади.

Мойил хашаротлар личинкаларига карши термостабил экзотоксин нихоятда самарали хисобланади. Сублетал микдордаги токсин кабул килган личинкалардан ривожланган вояга етган хашаротларда теротоген таъсир килади, личинкаларда эса туллаш хусусиятини йукотади. Теротогенлик хусусияти турли хашаротларда бир хил таъсирга эга булмайди. Масалан, карам оккапалаги хартумчасида атрофия содир булганлиги туфайли имаго озикланиш хусусиятидан махрум булади. Колорадо куш- изида эса пастки лабпайпаслагичлари йуқолади, тилча учлари ток усимта хосил килиб чузилади. Муйлаб бугимчалари туногич бармок тирнокчаларига ухшаш тир- нокчалар ривожланади. Аммо шунга карамасдан, Колорадо кунгизи деярли узгармай колган мандибуллари ёрдамида озикданишни давом эттиради.

А.Бюржерон (1972) таджикотлари шуну курсатдики, хашаротлардаги курсатилган деформацияланиш наслдан наслга хам утади. Токсинга нисбатан, айникса личинкалар мойил булиб, хашаротлар тухумидаги муртак, гумбак ва вояга етганлари унга нибатан камрок даражада мойил булади.

Кристаллик эндотоксинга нисбатан экзотоксин кенг таъсир этиш спек- трига эга. У нафакат капалакларга, шу жумладан, тунламларга,

туг-риканотлилар, айрим кунгизлар, иккиканотлилар бошка хдйвонот дунёси вакилларида ургимчаккана ва парамецийларга ҳам токсик таъсирга эга. Шу муносабат билан **Н.В. Кандубин** ва бошқ (**1972**) янги типдаги таркибида комплекс кристаллар ва термостабил экзотоксин булган битоксибациллин ёки БТБ-202 препаратини яратдилар. Бундан ташқари таркибида камрок термостабил экзотоксини булган препаратлар ҳам мавжуд (бактан **Л-69**, био- трол 25W ва бошқ)

**Альфа - экзотоксин, ёки фосфолипаза С ёки лецитиназа С** - бактериялар хужайрасида усувчи продуцентдир. Тахмин килинишича, бу фермент хашаротлар туқимасидаги узгармайдиган фосфолипидларни парча- лаши натижасида уларни халокатга олиб келади. Хашаротларга токсик Хисобланган лецитиназа кристалли ва кристалл хосил килмайдиган бакте- рияларда ҳам кузатилиб, жумладан *Vas. cereus* да кайд килинган. Лецитиназа мойил хашаротлар ичаги рН 6,6-7,4 курсатгичида фаол булиб, бактериялар- ни тана бушлигига утишига олиб келади.

**Гамма-экзотоксин** тахмин килинишича бу ҳам фосфолипазаларга мансуб булиб, фосфолипазага таъсир килиши туфайли молекулалардан *cf* кн. слотаси ажралишига олиб келади.

Спорали бактерияларнинг патогенли таъсири натижасида бактерия споралари ва хужайра хосилалари хашарот ичагига тушгандан кейин у ка- рахт булиб қолади. Бактериялардан зарарланган хашаротлар кам ҳаракат булиб, иштахаси йуқолади, шунингдек ичак ва оғзидан модда чиқиши ка- маяди. Купгина касал куртлар усимликларнинг юқори қисмларига кутарилиши учун чирмашади, тупрокда яшайдиганлари эса ер юзасига чиқади. Халок булган хашаротларнинг танаси тез орада жигарранг тусга киради ёки қораяди, улар одатда юмшаб қолади, шаклини йуқотади. Ички аъзолари купинча бузилиб, қуланса хидли елим шакл — ёпишқок массага айланади. Хашаротлар буришиб қурийд, лекин ташқаридан шикастланма- ганидек қуринадиган пусти қолади.

Хозирги вақтда турли мамлакатларда экин зарарқунандаларга қарши қулланиладиган дендробациллин, энтобактерин, инсектин, битоксибациллин, лепидоцид, БИП, гомелин, экзотоксин, турицид, дипел, биотрол, ВТВ- 183-25 каби бактериал препаратлар ишлаб чиқарилмоқда. Зарарли Хашаротларга қарши саноатда микробиологик бактериал препаратлар деярли бациллюс тюрингиензис асосида ишлаб чиқарилади.

Республикамизда кристалл хосил қилувчи энтопатоген бациллюс тюрингиензис гуруҳи бактериялари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Фан- лар Академияси зоология институтининг умумий энтомология ва арахнология лабораторияси 1993 йилдан бери фаол равишда тадқиқотларни амалга оширмоқда. Шу вақтга қадар, турли туркумларга оид касал ва мурда тур хашаротлардан ва бошқа биологик муҳитлардан бациллюс тюрингиензис гуруҳи бактерияларининг 600 га яқин ирки (штамми) ажратилиб, УзР ФА генетика ва усимликлар экспериментал биологияси ҳамда УзР ФА микробиология институтининг билан ҳамкорликда Микробиология институтининг базасида бу гуруҳга оид штаммларни коллекциясини ташқил қилинган. УзР ФА зоо- логия институтининг эса Халқаро бациллюс тюрингиензис консорциум аъзоси- дир. Консорциум Исроилнинг Бен-Гурион университетининг қошида ташқил қилинган. Бу ерда жаҳоннинг қупчилик мамлакатларидан ажратилган 170 мингдан ортиқ штаммлар, жумладан, зоология институтининг 250 дан ортиқ штаммлари ҳам сақланмоқда. Бу штаммлар асосида республикамизда илк бор бактериал препаратларни ишлаб чиқариш яқин вақтларда амалга оши- рилади.



## Сальмонеллалар авлоди бактерияларинг таснифи

**Бактериялар идентификация.** Сичконсимон кемирувчиларга карши бактериал препаратлар *Salmonella enteritidis* бактерияси хилма-хиллиги асосида тайёрланади. Турли даврлардаги эпизоотияда кемирувчилар мурдасидан бактериялар ажратилган (Россияда Мережковский, 1893, Исаченко, 1897; Францияда Данич, 1893). 1950 йили М.И Прохоров томонидан кемирувчиларга токсик хисобланган №5170 янги бактерия штамми ажратилди. Н.В.Кандубин (1973) фаготип куллаш ёрдамида утказилган идентификация натижасига кура, Данич, Исаченко ва Мережковский бактериялари *Sal. enteritidis* нинг мустакил хилма-хиллари булиб, №5170 бактерияси эса Исаченко бактериясининг штаммидир холос.

**Турнинг узига хослиги.** Исаченко, Мережковский ва Данич бактериялари катъий патогенлик танлаш хусусиятига эга булиб, хдтгоки бу хусусият кемирувчилар туркумида ҳам кузатилган. Купчилик сичконларда ва дала сичконларида бу бактериялар юкори вирулент хисобланиб, каламуш, юм- ронкозик, КУМ сичконларга эса камрок вирулентлидир. Бошка кемирувчи- ларда унинг патогенлик хусусияти шунчалик пастки, хаттоки юкори дозада ҳам уларни улимга олиб келмайди. Бу бактериялар инсонга ва купчилик уй ва ёввойи фойдали хайвонларга (от, корамол, куйлар, чучкалар, товуклар, гозлар, урдаклар, куркалар, итлар, мушуклар ва хоказо) зарарсиз Хисобланади. Бактерияларнинг бундай танлаб таъсир килиш хусусияти чорва молларига ва фойдали фаунага зарар етказмаган холда уларни бу бактерияларга мойил булган кемирувчиларга карши кенг куллаш имконини яратади. Шундай булсада, бактериал препаратларни оммавий ишлаб чиқариш ва куллашда улар сифати юзасидан катъий назорат урнатиш ниҳоятда муҳим- дир.

Саклаш давомида вирулентликнинг узгариши. *Salmonella enteritidis* бактериясини сунъий озика мухитида тез-тез кайта экиб туриш ва узок муддатда озика мухитида саклаш, унинг вирулентлигига таъсир килади. Айниқса ви- рулентлик кислоталик мухитида кескин пасаяди. Шу муносабат билан 1911 йили С.С.Мережковский пиширилган товуктухуми 10% ли оксидан хосил Килинган «оч» озика мухитида бактерияларни узок муддатда вирулентлигини саклашга дойр таклиф берди. Бу озика мухити хозирги даврда ҳам бактерия культураларини саклашда фойдаланилади.

## Риккетсияларни куллаш имконияти

Май кунгизи личинкаларида *Rickettsiella melonthae* Kz., касаллик кузгатиши Дармштат шаҳрига яқин Лорша урмонларида 1936 йил кузатилган булиб, шунинг учун ҳам лорш касаллиги ёки личинка кукарики деб юритилади. Зарарланган личинкалар опал ёки кук рангда булиб тупрок бетига чикгач нобуд була бошлайди. Утказилган тадқиқотлар (Niklas, 1956, 1958) да одатда касаллик май кунгизи личинкаларини 50% гача, айрим холларда 75% гача зарарлаган. 1967 йили Бутун Россия ИТИ Вирусология лабораторияси томонидан Краснодар улкаси Крим туманида *Rickettsiella eurygasteris* Luk. зарарли хасвада риккетсия касаллигини кузгатганлиги қайд қилинган (Лукъ- янчиков, Пушкарева, 1971). Лабораторияда утказилган тажрибаларда тоза- ланмаган риккетсия суспензияси билан сунъий зарарланган 4-5 ёшдаги хасва личинкалари 17 кун 72% гача, тозаланган суспензия билан зарарланган- да эса 100% гача нобуд булган.  $10^2$ - $10^{13}$  суспензия билан пуркалган бугдойда

қднда озиқдантирилганда хашаротларнинг нобуд булиши 70-100% га етган

Олинган натижалар риккетсияларни зарарли хашаротларга карши биологик курашда куллаш мумкинлигини курсатди. Аммо А.Крига (1971) нинг фикрича, бу гурух организмларининг озика ихгисослигига бир мунча ожиз-лиги ва умуртқдли хайвонларга, айниқса иссикконлиларга патогенлик эхтимоли булган лиги уни куллаш имконини бермайди.

### **Микоплазмалар**

Микоплазмалар - бу алохида ажралиб турадиган полиморф организмлар булиб, бактериялардан фаркланиб, уларнинг хужайра кобиги микоплазма хужайралари уч кават цитоплазматик мембрана билан уралган булади. Улар вируслардан хужайра тузилиши билан фаркланиб, сунъий овқат мухитида кўшай олади. Патоген микоплазмалар инсонда (пневмония), хайвонларда (ёппасига корамолларда упка яллигланиши), ва усимликларда (тут карлиги, картошка «алвасти супургиси» ва хк) турли хил касалликлар чакиради.

Бу касалликни усимликларга саратонлар, усимлик битлари, трипслар, ва бошья;а сурувчи хашаротлар тарқдтади. Бу холда микоплазмалар купинча хашаротнинг сулак безида купаяди ва уз навбатида зарарланган хашаротларнинг хам умри кискарок, жинсий махсулдорлиги эса камаяди. Аммо микоплазмаларни усимлик зараркунандаларини камайтиришидаги мохияти етарлича урганилмаган. Микоплазмалар Mollicutes синфига таълуқди булиб, уз навбатида бир канча тартиб ва оилалардан таркиб топган.

### Вирусларни классификациялаш тартиби

Хашаротларнинг ипак курти мисолида вирусли касалликлар билан касалланиши аломатларининг дастлабки таърифи адабиётда XIX аср урталарида пайдо булганди. Бирок ундан кейинги ун йилликлар давомида Хам вирусли касалликларни бактериал, протозойлик ва бошка юкумли касалликлар билан аралаштириб юрилди, чунки уша вақтда хатто вирусларнинг тугрисида хам хеч нарса маълум эмасди. Вируслар устидаги ишлар XIX асрнинг охирида (1892 йилда) бошланган булиб, улар Д.И.Ивановский номи билан бошиқцир. Унинг кайд этишича, бактериялардан тозаланган касал усимликларнинг шира филътратлари ёрдамида сомом усимлиютарга тамакининг чипор касаллигини юктириши мумкин.

Усимликлар биологик химоясининг тараккий этиши вируслар тугрисидаги таджикотларни ривожлантиришга олиб келди ва XX аср охирига келиб, хашаротларнинг 400 дан ортик вируслари аникланди. Вируслар оддий микроскопда курунмайди, озикли мухитларда усмайди, бактерияларни уш-лаб коладиган фосфорли филътрлардан ута оладиган, яккол кристалл структурага эга булади. Барча бошка вируслар сингари хашарот вируслари хам факат тирик организм хужайраларида яшай олади, ядрони ёки хужайра плазмасини шикастлайди. Улар факат тирик организм хужайраларида купая олади.

Инсон, хайвон ва усимлик вирусларидан фаркланиб, хашаротлар вирусли хужайин танасида катта микдорда йотилади (тана огирлигини 10-30%) ва уни осонликча ажратиб олиш мумкин.

XX асрнинг 60-йилларида нозик электрон микроскопия услублари ва молекуляр вирусология тараккиёти туфайли вирионлар мохияти, вируслар классификациясига, биринчи навбатда вирионлар структураси ва симметрия типи хамда вирион нуклеин кислота типларига асос солинди.

Вируслар классификациясига асос килиниб, Львова, Хорна ва Турнье (Гулий, 1971) тавсия этган вирион нуклеин кислоталар типи ва унинг анатомияси, критерияси бош мезон хисобланган классификациям кабул Килинди. Аниқданишича бир-бирига якин вирусларнинг симметрик типи, капсомерлар сони ва нуклеокапсид диаметри ухшаш булади. IX Халқаро Микробиологик Конгресс томонидан сайланган вируслар номенклатураси ва классификацияси Халқаро кумитаси барча вирусларни мустакил вируслар олами «Vira» сифатида ажратишни таклиф килди ва натижада вируслар ягона классификацияси тузиш тугрисида қарор кабул килинди.

Юкорида эслатганимиздек, вируслар классификациясида вируслар охириги ривожланиш фазаси хисобланган вирионлар нуклеин кислотаси типи, симметрик оксил кобик ичидаги вирион нуклеин кислотаси - капсида ва вирион кобиги морфологик қисмлари - шакли - капсомерлар асос килиб олинган (капсид-грекчадан «капса» - кути).

Хозирги замон илмий гасавури буйича вируслар оксил кобиги 2 хил тузилишга эга: спирал ва сферик. Спирал типдаги тузилиш таёкчасимон ва ипсимон шаклдаги вирусларда учраб, унда оксил бирикмалари спирал атрофи қисмлари уки буйлаб жойлашган.

Сферик типдагиси эса куп коррали - шаклли вирусларга мансубдир. Бундай хрлда капсомерлар нуклеин кислотаси атрофида куп киррали куринишда йотилиб, яъни симметрия укига боишк долда тетраэдралар, ок- таэдралар ёки икосаэдралар яъни 4, 8 ва 20 киррали куринишда булади.

Вирион нуклеин кислотаси типига караб, *Vira* олами 2 та кенжа оламга: *Deoxyvira* таркибида ДНК, *Ribovira* таркибида РНК си булган вирусларга ажратилади. Хашаротлар тук;имасида купаядиган ва таркибида ДНК си булган вируслар *Baculoviridae*, *Poxviridae*, *Iridoviridae*, ва *Parvoviridae* РНК си - *Picornoviridae* ва *Reoviridae* оилаларига киритилади.

### Вируслар оилаларининг к,ищача. таснифи

*Бакуловируслар ёки таёкчасимон вируслар (Baculoviridae) оиласи.* Бу ои- ланинг вакиллари асосан хашаротлар танасида купаяди, Уларнинг номи ара- лашма эриганда ажралиб чиккан вируслар шакли таёкчасимон булганлиги туфайли келиб чиккан (грекчадан «бакулум»- таёкча). Аралашма морфоло- гиясига караб бакуловируслар иккита кенжа гурухга: А-полиэдрозлар, В- гранулаларни кузгатувчиларга ажратилади.

А - полиэдрозлар кенжа гурухи - ташки таснифига кура, вирус заррачалари оксилли аралашмага куп киррали типда (полиэдралар) камраб олинган. Полиэдралар нисбатан йирик — 1 дан 15 мкм булиб, уларни ёруглик микроскопида куриш мумкин. Улар ёругликни кескин синдиради, бошка хужайралардан фаркли уларок, дастлаб ишлов бермасдан туриб одатдаги гистолошк буёкларда буялмайди.

Тип тури — ипак курти ядро полиэдроз вируси (*Baculovirus bombycis*). Вирус криптограммаси [D/2:80/10~15:U/E:1/0], бунда D —нуклеин кислотаси типи (ДНК), махражда нуклеин кислотаси иплар сони, яъни икки ипли ДНК; молекуляр огирлиги 80 млн. дальтон атрофида, махражда таркибидаги нуклеин кислотаси фоиз (10-15); U-узунчок шаклдаги вирион параллел то- монлари билан ва E- узунчок нуклеокапсид параллел томонлари ва дума- локланмаган охири билан: 1- вирус умурткасизларга касаллик юктиради; 0- таркатувчи авлоди.

Вирионлар вироген ктрмада ёки пироплазмада вужудга келади. Вирионлар оксил матрицасида якка—якка ёки гурух холда жойлашади.

Хар бир гурухда, ёки тутамда, умумий мембрана ичида жойланган 20-25 тага кадар вирионлар булиб, улар эфир ва киздирилишга сезгир булади.

Тут ипак курти полиэдрози мисолида, вирусларнинг учта ривожланиш фазаси кузатилган. Биринчи латент фазаси, вирус заррачалари хужайрага кириб (вируснинг ялонгоч таёкчалари ядро мембранаси тешикЧаларига урнашади) зарарлангандан сунг, 12 соат давом этади. Иккинчи экспотен- ционал, яъни тез усиш фазаси, 16 дан 48 соатга кадар давом этувчи, ядро- ларда калин турга ухшаш участкалар куриниб, 32 соатдан сунг, у уз ичига куплаб вирус таёкчаларини камраб олади. Учинчи стационар фазада 90% вирионлар мембранада кийинади ва полиэдрларда урнашади.

Полиэдрозлар кенжа гурухи, айникса купчиликни ташкил килади. В.В.Гулий ва боиш. (1982) тузган руйхатга биноан собик СССР хуудларида бу кенжа гурух вирусларининг уч туркумга мансуб, 24 оилага оид 109 турдан ортик хашаротларда кайд килинган булиб, жумладан, 99 тури тангачаканотлилар (19 оила), 7 тури пардасимонканотлилар (4 оила), 3 тури эса иккиканотлилар (2 оила) дир.

Полиэдроз вируслари гиподермада ёг тангачаларида, гемолимфада, ар-

ракашларда эса урта ичак эпителияларида ривожланади. Асосан хашаротлар личинкалик фазасида касалланади.

Дастлабки даврда касалланган хашаротларнинг личинка ёки куртлари союумларидан деярли фарк қилмайди. Касаллик кучайган сари улжа заиф- лашади, озикланмай куяди, териси саргиш ёки оқиш тусе олади, бир оз каппаяди. Огзи ва ичагидан суюклик кусади. Тукималарининг юмшаши ва ириши кузатилади, ниҳоят улади. Купинча капалаклар куртлари усимлик бўйлаб юкорига секин кутарилади ва орқд оё клари билан новдаларга ёпи- шиб, боши билан пастга осилиб, томаётган томчига ухшаб қолади. Касал- ликнинг инкубация даври личинкалар ёши, вирус микдори, харорат ва бошқ.,- боклик холда 7-12 кун давом этади.

Арракашлар сохта куртларида касаллик белгилари куйидагича кечади, дастлаб сохта куртлар корин бугимлари оқиш — сутсимон рангга киради, огзидан сутсимон ок суюклик о кади, анал тешигидан эса тук-кунгир томчи чикади. Кейинчалик сохта куртлар барг пластинкасига елимсимон модда ажратиб ёпишади ва 24-48 соатдан сунг улади.

В — г р а н у л е з л а р кенжа гурухи. В кенжа гурух вируслари А кенжа гурухи вирусларидан шунинг билан фаркланадики, бу вирус заррачалари биттадан (камдан- кам иккитадан) овал шаклдаги гранула ёки капсула ичига урнашади. Гранулалар улчами, полиэдрозлар улчамидан анча кичик булади. Бу кенжа гурух вирус типича карагай барг курти (*Choristaneura fumiferana* Clem) гранулезли булиб, *Vacuovirus choristaneura* номи билан юритилади, МДХ мамлакатларида бу вируснинг тангачаканотлилар туркумига оид 8 оилага мансуб, 34 турдаги хужайин хашаротлари мавжуд.

Вирус гранулезининг ривожланиши ҳам вирус полиэдрозига ухшаш булсада, аммо оксил матричасига бир, камдан-кам холларда эса икки вирион йуналиб ва жойлашади. Вирус гранулезининг ҳам ривожланиши ядро тукимасидан бошланади деб тахмин қилинади, лекин ядро мембранаси пар- чаланишдан кейин, ривожланиш ядро атрофида ва цитоплазма тукимасида давом этади.

Хашаротлардаги гранулез ривожланиш касаллиги, ядро полиэдрози касаллиги ташки белгиларига ухшаш булади. Одатда гранулез билан хужайиннинг ядро полиэдрози шикастлайдиган тукималари зарарлансада, аммо биринчи навбатда хашаротнинг ёғ таначалари шикастланади.

*Поксвируслар, ёки чечак вируслари (Poxviridae) оиласи.* Оила йирик ва маълум вирусларни узига бирлаштирган. Зарарли умурткасиз хайвонларга қарши биологик химояда *Entomopoxvirinae* кенжа оиласи, *Entomopoxvirus* авлодига тегишли вируслар вакиллари муҳим аҳамият касб этади. Бу авлод- нинг вирус типича май кунгизи (*Entomopoxvirus melolontha*)- чечак вирусидир. Тур криптограммаси ҳозирги вақтда вирионлар тугрисида бир оз маълумотга эга (\*- бу курсаткич бўйича маълумотлар йук): (D/\*:X/X\*::1/0], X- вирион ва нуклеокапсид ташки қурилиши мураккаблигини тасниф қилади.

Чечак вируслари (вирус заррачалари чоркирра шаюгда булиб, брус чоркирра) нинг улчами 250- 420 нм булади. Цитоплазманинг сезгир тукималарида купайиш жараёнида оксил аралашмаларида овоидсимон, ромбик ва дуксимон шаклдаги 1 дан 12 мкм улчамдаги вирионлар шаклланади. Хар бир аралашмада унлаб вирионлар булади.

Фанда чечак вирусларининг хужайини сифатида 20 турдан ортик хашаротлар қайд қилинган.

Чечак вируслари хашаротларнинг ёғ таначаларида ривожланади, камдан-кам холларда эса улар мушаклар, бириктирувчи тукималар ва гемоцитларда учрайди. Зарарланган тукималар ядроси нормал сакланади, аммо ци-

топлазма ёғ томчиси емирилади ва дастлаб ромбасимон, кейинчалик эса овал ёки шарсимон айрим турлари улчами 24-26 мкм булган кристаллар билан аралашади.

Касалликнинг ташки белгилари сифатида личинка танасининг заифла- шиши ва юмшашини курсатиш мумкин. Гемолимфада аралашма йиғилиши туфайли личинканинг ранги сутсимон - ок, тус га киради ва у улади. Полиэдроз ва гранулездан фаркли уларок, чечак вируслари секин ривожланади ва зарарланган айрим хашаротлар 16-72 кундан кейингина нобуд булади.

*Камалак ранг вируслар (Iridoviridae) оиласи.* Бу оила вируслари уз номи- ни сарикдан тортиб хаворанггача ва тук гунафшагача нурланиб турганлиги учун олган. Кузга ташланадиган ёруглик дифракциясининг самараси, вирус заррачаларининг гутри кристаллик жойланишига боғлиқ-

Хашаротларда Iridovirus авлоди вакиллари ифодаланган. Вирус типн - зарарли ёки боткок узунёғи (*Tipula paludosa* Mg)-Iridovirus *tipula* дир.

Вирус криптограммаси: [D/2:126/15:S/S: 1/0], S вирион ва капсид сферик шаклини англатади. 20-120 нм ва 1300-1500 капсометрлардан иборат.

В.В.Гулий, С.Ю.Рыбина (1988) маълумотларига кура, МДХ мамлакатларида камалак ранг вируслар 33 турдаги хашаротларда, жумладан, 23 турдаги иккиканотлилар, 3 - кунгизлар, 7 турдаги тангачаканотлиларда касаллик кузгатади.

Камалак ранг вируслар 1 дан 15 мкм., кристаллик аралашмалар хосил килиб, цитоплазмада купаяди. Зарарланган тукималар ранг-баранг нур таркатади. Вирус хашаротлар купчилик тукималари хужайралар маълум бир жойларида йигилади. Купинча эса касаллик еҒ таначалари хужайраларидан бошланади.

Озика оркали зарарлантирилган чивинлар личинкаларида касалликнинг дастлабки белгилари 20 кундан сунг, инфекция оркали эса касаллик белгилари 10 кундан кейин намоён булади. Табiiй шароитларда камалак ранг вируслар сувда яшовчи к<sup>></sup>нхур иккиканотлилар личинкалар орасида кенг таркалган.

Камалак ранг вирусларининг хужайини сифатида тубан кискичкакасмонлилар ва халкали чувалчанглар хам кайд килинган.

